ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

52 (654)

2008 йил 31 декабрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

2 ▶ "Ўзбекистон жаннатмонанд диёр экан..."
▶ Билимлилар — ҳамиша ғолиб

3 ▶ "Тошкентлик"нинг тераклари кўп
▶ Куруман тоғидаги қадимий "уй"

4 ▶ Скрипкада "Муножот"ни чалиб бўлмас...
▶ "Жонетта"нинг гапириши ўзгача

ISSN 2010-7013

ҲАР КЎНГИЛДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Бугун юртимизнинг барча маҳаллаю қишлоқларида, шаҳару овулларида, боринги, ҳар бир юртдошимизнинг қалбида байрам шукуҳи кезиб юрибди. Зотан, 2008 йил — Ёшлар йили улкан бунёдкорлик юмушлари, ўзининг ширин қувончу ташвишлари ила ортда қолиб, янги ва эзгу ниятлари билан Янги йил эшик қоқмоқда.

Бу йил жойларда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилди. Хусусан, пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида байрам муносабати билан улкан арча ўрнатилиб, Қорбобо, Қорқиз ва бошқа турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар уюштириляпти. Бу эса ҳаммадан кўра кўпроқ болажонларимизга қувонч улашмоқда. Уларнинг майдон бўйлаб қийқириб ўйнаётгани, эртак қаҳрамонлари ва томошагоҳдаги турли манзараларга ҳайрат билан тикилаётганини кўриб, беихтиёр тинч ва фаровон турмушимиз омили бўлмиш Истиқлолга шукроналар айтасан киши.

— Янги йил томошасига фарзандларимиз билан бирга чиқдик, — дейди ҳамюртларимиздан бири Барно Холмўминова. — Уларнинг қувончини кўриб, биз ҳам роса шодландик. Мустақиллик майдонида намойиш қилинган томошалар болаларимизда катта таассурот қолдирганига ишончим комил. Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2009 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевдан қуйидаги мазмунда табрикнома олинди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўтаётган йил стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг мустаҳкам тамойилларига асосланган Россия-Ўзбекистон муносабатларининг янада мустаҳкамланиши билан алоҳида ўрин тутади.

Турли мавқедаги доимий мулоқот икки томонлама серқирра алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. 2009 йил январь ойида Тошкентда бўлажак музокараларимизга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилишига катта эътибор бермоқдаман. Бу музокаралар барча йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни кучайтиришда салмоқли омил бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комилки, кириб келаётган янги йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада жадал суръат билан ривожланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек,

Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао;
Германия Федератив Республикаси Президенти Хорст Кёлер;
Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак;
Люксембург Буюк Герцоги Анри;
Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов;
Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;
Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;
Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ҳам ўз табрикномаларини йўллашган.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

АҚШда ТУРКИСТОН-АМЕРИКА Уюшмасининг 50 йиллиги тантанали нишонланди

АҚШнинг Довер шаҳридаги Туркистон-Америка Уюшмаси (ТАУ) Миллий-маданият марказида мазкур ташкилот тузилганининг 50 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Уюшма АҚШда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ватандошларимизни жипслаштиришга хизмат қилиб келаётган ташкилотдир.

Тантанали маросимда АҚШ маданият ва жамоат арбоблари, ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, АҚШ ва Канададаги Бухоро яҳудийлари конгресси ҳамда юртимизнинг Нью-Йоркдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Маъросимни очар экан, ТАУ раиси Абдулла Хўжа 1958 йилда ташкил этилган Туркистон-Америка Уюшмаси ўз фаолияти давомида ўтган аср бошларида Марқазий Осиё давлатларидан чиқиб кетишга мажбур бўлган ва бугунги кунда АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз тарихий Ватани ўз мустақиллигига эришадиган кун албатта келишига доимо ишониб яшашганини таъкидлади. У Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши, унинг маданий қадриятлари ва анъаналарини тиклаш йўлидаги изчил сиёсатни амалга оширишда Президент Ислом Каримовнинг буюк хизматларини алоҳида эътироф этди. ТАУ раиси АҚШда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашга бўлган эътибори ҳамда Уюшманинг Маданият марказини ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш йўлида кўрсатган беқиёс кўмаги учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Президент Ислом Каримовнинг Туркистон-Америка Уюшмаси ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан йўллаган табрик мактубини ўқиб эшиттирди. Уюшмага Ўзбекистон раҳбари томонидан тақдим этилган эсдалик совғалари – «Регистон» ва «Ал-Бухорий меъморий мажмуаси» деб номланган картиналар топширилди.

Ўзбекистон Президентининг табрик мактубини кўтаринки кайфиятда кутиб олган маросим иштирокчилари бу эътибор мамлакат ҳукумати томонидан АҚШдаги ватандошлар билан алоқаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга берилган эътиборнинг яна бир кўриниши эканини таъкидлашди. А. Хўжанинг фикрига кўра, бу ватандошларимизнинг тарихий Ватанга садоқат, муҳаббат ва ҳурмат руҳида янада бирлашувига хизмат қилади. Ўзбекистон Президентининг ҳадялари Уюшманинг Миллий-маданият марказининг энг қадрли совғалари ҳисобланади.

Вашингтон миллий матбуот клуби вице-президенти Питер Хикмен ватандошлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатаётганини таъкидлади. Уюшма Ўзбекистоннинг АҚШ жамоатчилиги орасидаги нуфузини ошириш борасида энг самарали фаолият юритаётган ташкилотлардан биридир.

АҚШ ва Канададаги Бухоро яҳудийлари конгресси вице-президенти Борис Кандов ўз табрик сўзида Ўзбекистон ҳукуматига ватандошлар қаётига доимий эътиборини юқори баҳолаб, Ўзбекистон конфессияларо бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик намунаси эканлигини қайд этди.

Тантанада иштирок этган Колумбия университети профессори Р. Абазов ТАУ Маданият маркази фаолияти ватандошларимизнинг миллий ўзлигини сақлаб қолишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

ТАУнинг 50 йиллик юбилейи АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

«Жаҳон» АА,
АҚШ,
Довер шаҳри

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

I. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЎЧОҒИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига, уларнинг жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришга катта аҳамият берилди. Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ўзбек халқининг асрлар оша шаклланиб келган анъаналарига, яъни маҳалла бошқарув тизимига эътибор қаратилгани муҳим рол ўйнади. Бинобарин, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида маҳалларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида гапириб, **"Одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлмиш маҳалланинг адолатли иш олиб боришига ишонаман. Нега деганда, маҳала — халқ виждони демакдир..."**, деган эдилар.

Маҳалланинг ўзбек заминида пайдо бўлгани ва асрлар давомида шаклланиб, халқимиз тарихи ва маънавиятининг узвий қисмига айлангани бугунги демократик ислоҳотлар жараёнидаги аҳамиятини янада оширди. Негаки, одамларнинг ён-атрофдаги воқеаларга бефарқ эмаслиги, ўз ҳаёти ва бутун жамият бошқарувида фаол иштирок этиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг тўлиқ ҳимоячиси бўлиши каби фуқаролик жамиятининг тамойиллари азалдан маҳалладек ижтимоий институтда қарор топган ва шаклланган. Юртбошимиз фуқаролик жамиятининг институтлари — сиёсий партиялар, нодавлат ва турли ижтимоий ҳаракат ва тузилмаларнинг илдиз-томирлари айнан маҳалла заминида ўсганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони англатади. Маҳалла туфайли аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий фаолияти жамоавий аҳамият касб этади, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилинади, ўзаро муносабат тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолади ва ривожланади. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулиятнинг сўзсиз бажарилишига кафолатдир. Бир сўз билан айтганда, маҳалла руҳи юртимизда яшовчи ҳар бир кишининг қалб-қалбига сингиб кетган.

Афсуски, шўро ҳукмронлиги даврида тарихий ва миллий меросдан, илдизларидан бебаҳра қилинган миллатимиз жуда катта маънавий, руҳий зарар кўрди. Социалистик мафкура миллий-маънавий қадриятларимизнинг таянчи бўлмиш ўзликни англашдек табиий истакни, миллий тил ва маданиятимиз асосларини емиришга ҳаракат қилди. Жумладан, асрлар давомида ўзбек миллатининг маънавияти шаклланган, мустаҳкамланган маҳалладек ноёб ижтимоий институт мазкур сиёсатнинг доимий таъқибида бўлди. Унга, бир томондан, қолоқ феодал муносабатлар тарғиботи ўчоғи сифатида баҳо берилган бўлса, иккинчи томондан байналмилал оилани вужудга келтириш, комсомол тўйлари ва шу каби ғайримиллий урфларни тарғиб қилишнинг муҳим объекти сифатида қаралди.

II. АСРЛАР ЗАМИРИДАГИ КАШФИЁТ

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритиб келяпти. Улар юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда.

Хўш, маҳалланинг ўзи нима? Унинг халқимиз тараққиётидаги ўрни нималардан иборат?

Маҳалла, бу — инсоний жамоавий ҳаётнинг буюк кашфиёти, минг йиллик тарихий жараёнларнинг мантиқий ҳосиласи ва халқимиз даҳосининг маҳсули. Бошқача айтганда, у ўзбек халқи ҳаёт тарзининг узвий эҳтиёжи сифатида юзага келган зарурий ижтимоий воқеликдир.

Манбаларга кўра, "маҳалла" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "ўринжой" деган маъноларни англатади. Бу сўз турли даврларда, турли жойларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номлари билан аталган. Айрим манбаларда маҳалла узоқ тарихга эга эканлиги ва унинг пайдо бўлганига минг йилдан ошганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир неча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий эса "Ҳайрат ул-аброр" асарида "маҳалла шаҳарча ичидаги шаҳарчадир" деб таъриф келтиради. Тарихчилар буюк саркарда Амир Темур даврида маҳаллалар ривожланиб, равнақ топганлигини эътироф этишади. Агар маҳалла жамоа бўлиб яшашнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг бир кўриниши эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, юртимизда бугунги тараққий этган жамиятни барпо этишга бўлган интилиш анча олдин бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Маҳалла халқимизнинг менталитети, дунёқараши асосида пайдо бўлганлиги учун йиллар силсиласида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, балки ривожланиб, замонавий кўринишга эга бўлиб борди.

(Давоми 2-саҳифада)

Дил изҳори

Мамлакатимизда қайси йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, инсон қадри, манфаатларини ҳимоя қилишга, халқимиз турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, кириб келаётган 2009 йилнинг Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилингани барча юртдошларимизни бирдек қувонтирди.

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Айниқса, чекка қишлоқларда замонавий касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа кўплаб мажмуалар қад ростламоқда. Мустақиллик йилларида биргина бизнинг жамоамиз меҳнати билан қишлоқларда ўнга яқин коллежлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг бари қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, қолаверса, келажагимиз ворислари – ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Полосон — Олтиариқ туманидаги энг чекка қишлоқлардан бири. Кейинги йилларда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар қилинди. Масалан, ўтган йили "Фромадо текстил" корхонасининг ишга тушиши натижасида ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар томонидан қурилган хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузари қишлоқ аҳли хизматида. Қолаверса, ҳудуддаги фермер хўжаликлари ҳам қишлоқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу каби хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди, албатта. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Раҳматжон ЭРКАБОЕВ,
Олтиариқ туманидаги
"1-кўчма механизациялашган колонна"
масъулияти чекланган жамияти ходими.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ислоҳот самараси

ЗАМОНАВИЙ ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Чимбой туманининг Шохомон овулида 215 ўринли умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган мазкур ўқув масканини бунёд этиш учун 215 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жорий йилда республикада "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури"нинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг кўлами янада кенгайди. Жумладан, 4395 ўринли 12 та мактаб, 19 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, 40 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 109 та умумтаълим мактаби капитал таъмирлан чиқарилди. 22 та мактабда эса замонавий спорт мажмуалари ишга туширилди.

Дастур доирасидаги ишлар айни пайтда ҳам изчил давом этмоқда. Белгиланган режага кўра, келаси ўқув йилида 6 та умумтаълим мактаби ва 4 та касб-ҳунар коллежи янгидан қурилиб, 73 та умумтаълим мактаби капитал таъмирланади.

Республиканинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий илм масканларининг барпо этилиши маҳаллий ёшларга қулайлик туғдириб, уларнинг жаҳон андозалари асосида билим олиши учун шароит яратади.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Юртимиздаги байрам томошаларига хорижликлар ҳам маҳлиё бўлишяпти.

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумки, маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши сифатида фаолият юритган. Шу жиҳатдан у кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги бўлган. Президентимиз маҳалланинг жамиятдаги аҳамияти тўғрисида шундай фикр билдиради: **"Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳалла тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Уларнинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз зарур"**.

Маҳалла замирида бағрикенглик, ахлоқлилик, поклик, ростгўйлик, омонатга хиёнат қилмаслик, шижоат, жасорат, дўстлик, садоқат, киндик қони тўкилган жойнинг, демакки, Ватаннинг қадрига етиш, уни эъзозлаш тушунчалари жамулжамдир. Унинг бағрида сахийлик, эл-улусни англаш, унинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, соғлом оила ва фарзандга эга бўлиш, уларни эл-юрт хизматига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, ота-она ва ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ҳаромдан ҳазар, олижаноблик, қўшнига мурувватлилик сингари покиза маънавий сифатлар тарбияланади, ҳаётга татбиқ этилади.

Шу сабабли маҳалладошлар азалдан ўз маҳаллаларини қадрлашган, унинг равнақи, аҳолисининг фаровонлиги учун қўлларидан келадиган барча ишни амалга оширишган. Бу ерда истиқомат қиладиган одамлар туғишган оға-ини, опа-сингил, қон-қариндош каби меҳр-оқибатли бўлиб, яхши ва ёмон кунларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келишган. Маҳаллада маънавий-миллий қадриятлар тўлақонли амал қилган, унинг фаолиятида ахлоқий муносабатлар тўла ифодасини топган даврларда чинакам солиҳ ўғиллар, солиҳа қизлар вояга етганига мозий гувоҳлик беради.

Ватанимиз ҳудудидаги кўплаб маҳаллалар аҳолининг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Баъзилари эса маълум бир ўзбек уруғининг номи билан аталган. Чунки бу ерда ўша уруғ вакиллари истиқомат қилган. Натижада ҳатто маҳалланинг номи ҳам инсонлар ғурурига айланган. Бу номни пок сақлаш, кўкларга кўтариш учун аҳоли доимо ҳамжиҳатликда ҳаракат қилган. Шунинг учун маҳаллага ўзбек халқининг миллий қадрияти сифатида қаралади.

III. ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Бугун маҳаллаларимизга берилаётган имконият ва ваколатлар, уларда олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ишларининг қўлами ва салмоғини мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг самараси, деб билиш мумкин. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўзининг маданий марказини, гузарини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари, спорт мажмуаларини барпо этмоқда. Маҳаллалар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олис мозийда инсонийликнинг юқори чўққиси саналган бағрикенглик, кенгфеъллик сингари фазилатлар жамият ва давлатни идора қилишга оид қонунчиликка ва бошқарув мазмунига сингдирилиб, жамият ҳаётининг мўътадиллашувида муҳим омил бўлган. Бу маънавий қадриятимиз сарчашмаси бўлмиш "Авесто"да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бебаҳо маънавий меросимизнинг бош ғояси — бағрикенглик бўлиб, мазкур тушунча мустақиллик даврида Юртбошимиз томонидан ҳар томонлама бойитилди.

Президентимиз **"Маҳалла халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди"** деганида, маҳалланинг куч ва имкониятларини, фақат унгагина хос хусусиятларни назарда тутган эди. Дарҳақиқат, биз маҳаллага ибратли тарбия ўчоғи, миллий қадриятларнинг амалиётда кенг намоён бўлишини таъминлайдиган жой, бағрикенгликнинг ажойиб маскани, деб қараймиз.

Миллий маънавиятимиз бизнинг инсонийлик илмида йиққан ноёб жавҳаримиз, шу билан бирга, башариятнинг умумий бойлигидир. Уни гард юқтирмай сақлаш ва сайқаллаш учун бутун жамият, миллат ва ҳар бир фуқаро ўзининг ақлий салоҳиятини, маънавий кучини сарфлаши, бу ишда маҳалла фаоллари ва зиёлилар ташаббускорликни ўз қўлларига олиши ниҳоятда муҳимдир. Маҳалла, авалло, бағрикенглик ва поклик маскани экан, бу қадриятларни ёшлар онгу шуурига сингдиришда аждодларимиздан қолган бой маданий-маърифий меросинг аҳамияти ва ўрнини ҳам унутмаслик лозим. Зеро, унинг замирида одамийлик ва инсонийликнинг улуғ йўлларига бошлайдиган одоб, ахлоқ, андиша, меҳр-мурувват сингари қадриятлар ётади.

Мухтасар айтганда, ўзини ўзи бошқаришнинг бетакрор усули бўлган маҳалла бугунги кунда ҳам халқимиз турмушининг ажралмас бир қисми сифатида яшаб келяпти. У инсонларнинг эзгулик, бунёдкорлик, яратувчанлик, бир-бирига меҳр-мурувват билан яшашга ундаб, бу йўлда барчани бир мақсад сари бирлаштирмоқда.

Ж. РАҲИМОВ,
педагогика фанлари номзоди,
И. ҲАЙДАРОВ,
тарих фанлари номзоди.

ҲАР КЎНГИЛДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарга вилоятларимиздан ҳам меҳмонлар ташриф буюришаётир.

— Невараларим билан Қашқадарёдан келдик, — дейди пенсионер Хушмурод Чоршанбиев. — Баҳонада мамлакатимизнинг Бош майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳа, юртда қувончли кунлар, байрамлар кўп бўлсин экан. Барча юртдошларимизни кириб келаётган 2009 йил билан табриклайман. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Ўшанда фарзандларимиз бугунгидай қувнаб юради.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 7-сонли маҳаллада истиқомат қилаётган кичкинтойлар байрам арафасида муносиб янги йил совғасига эга бўлишди. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли мактабгача таълим муассасасининг эскирган биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, янгича қиёфа касб этди. Кичкинтойларнинг мириқиб дам олиши, турли машғулот ва қизиқарли ўйинларни ўтказиши учун шинамгина майдонча барпо этилгани, айниқса, ота-оналарни қувонтирди.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги "Сайқал" маҳалласи ҳудудидаги жисмоний имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълим муассасаси ҳам капитал тамирдан чиқарилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Табиийки, бу болалар боғчасида таълим-тарбия олаётган жажжи ўғил-қизларга чексиз қувонч ҳадя этди.

МУХБИРИМИЗ СУРАТЛАРДА: *Мустақиллик майдонида бўлиб ўтаётган байрам томошаларидан лавҳалар.*

Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳри

Яккасарой туманидаги "Яккасарой" маҳалласи пойтахтимиздаги намунали маҳаллалардан бири саналади. Маҳалла ҳудудидаги 43 та кўпқаватли уйда салкам 4400 нафар аҳоли ҳудди бир оила аъзоларидек иноқликда, баҳамжиҳатликда турмуш кечиришмоқда. Бунда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

– Маҳалла кўп ишга қодир. Ҳудуддаги у ёки бу муаммони, турли келишмовчиликларни фаолларимиз, кўпни кўрган нуронийлар билан кенгашиб, биргаликда ижобий ҳал этяпмиз. Янги-янги ишларга қўл ураяпмиз, – дейди маҳалла оқсоқоли Ниғмон Низомов.

Маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиб, ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, тадбиркор аёл Дилором Давлатованинг парда тикиш цехи бор. Бу ерда ҳозир 10 нафар қиз меҳнат қиляпти. Яна бир тадбиркор Муяссар Жўраева эса ўқув курси очган. У маҳалла қизларига тикувчилик ва тўқувчиликдан сабоқ бермоқда. Бундай хайрли ишларга, аввало, маҳалла оқсоқоли ва фаоллари бош-қош бўлишмоқда.

Н.ҲАЙДАРОВ фото-лавҳаси.

«ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ»ДА БОЛАЛИГИМГА ҚАЙТГАНДАЙ БЎЛДИМ

«Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка дейишлари бежиз эмас экан. Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очиқ, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой. Янги йил арафасида Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, сайлгоҳлари, меҳмонхона ва ранг-баранг байрам томошаларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман».

Бу – Янги йил байрами арафасида пойтахтимиз кўчаларида, боғларида ва муаззам майдонларида кўплаб учратиш мумкин бўлган чет эллик меҳмонлардан бири — **францияли Даниель РЕЙНАРТ**нинг гаплари.

«Янги йил барча, айниқса, кичкинтойлар интиқлик билан кутадиган байрам, – дейди Д.Рейнарт. – Юртингизда байрам кунлари болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Ҳар томонлама дадил ривожланаётган Ўзбекистонга меҳрим янада ошди».

– Мамлакатингизга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда, – дейди **Карл ХЕРМАН (Германия)**. – Юртингизни телевидение орқали томоша қилиб, бу ерга оилам билан келишни ният қилган эдим ва орзуимга етганимдан хурсандман. Саёҳатимиз асносида олган таассуротларимни таърифлашга ожизман. Мустақиллик майдонида безатилган улкан арча, турфа ўйинчоқлар, арча атрофида рақсга тушаётган шўх-шодон болажонлар майдонни эртаклар шаҳарчасига айлантириб юборган. Фарзандлари билан айланиб юрган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган қувноқ ёшларни, болакайларга совға улашаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасим келди. Бу ерда менинг фарзандларим ҳам яйраяпти. Юртингизда болаларнинг қишки таътили жуда мароқли ва сермазмун ўтиши учун яратилган шарт-шароит тахсинга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, қисқа вақт ичида менга қалбан яқин бўлиб қолган халқингизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайман. Ўзбекистоннинг истиқболда янада юксалишига ишончим комил.

Макеш ВАРСИ (Ҳиндистон):

– Ўзбекистонга олти йил аввал келгандим. Ушанда имконим бўлса, яна келаман, деб ният қилган эдим. Ўтган даврда юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кўплаб тарихий обида ва қадамжолар таъмирланибди. Янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуини кўриб лол қолдим. Ўта нозик дид билан қурилган ва безатилган ушбу мажмуанинг тароватини таърифлашга сўз тополмайман. Пойтахтингизда кўплаб замонавий иншоотлар қад ростлабди. Кўчалар, боғлар, маҳаллалар янада кўркамлашибди. Ўзбекистонга 2-3 йил келмаган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши аниқ.

2009 йилни халқингиз катта шодиёна билан кутиб олаётганининг гувоҳи бўляпман. Байрам арафасида Тошкент эртаклардаги каби сеҳрли шаҳари эслатади. Кўчаларда безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар осилган дарахтлар ва бинолар кўзни қувонтиради. Жажжи болакайлар билан гавжум майдонлар, боғлар ва хиёбонлардаги байрам тантаналари дилларга завқ бағишлайди. 2009 йилни эртакмонанд диёрингизда кутиб олаётганимдан бахтиёрман.

– Ўзбекистонни, мўъжизавий шаҳарларингизни кўриб, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, ўлкангизга мафтун бўлиб қолдим, – дейди **Брэйден ВИЛСОН (Австралия)**. – Ўзбекистон жаннатмонанд диёр экан. Мамлакатингизда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, ҳайратомуз миноралар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Бу ернинг нонлари, миллий таомлари, меваларининг таъми бир умр оғзимда қолади.

Оилам билан юртингизга саёҳатим Янги йил байрамига тўғри келганидан қувончим чексиз. Ёшим элликдан ошган, шунга қарамай, пойтахтингизнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган "Эртаклар шаҳарчаси"-дан кетолмай қолдим. Болалигимга қайтгандай бўлдим. Бу ерда гўзал арча, болалар ижросидаги шўх-шодон куй-қўшиқлар, шеърлар, кичкинтойларнинг Қорбобо ва Қорқиз сингари севимли қаҳрамонлари иштирокидаги қизиқарли томошаларни кўриб, янграётган карнай-сурнай наволарини тинглаб, мазза қилдим. "Эртаклар шаҳарчаси" каттаю кичикни болаликнинг сеҳрли диёрига етаклайди. Буларнинг барчаси мамлакатингизда ёш авлодга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

– Тошкентга мамлакатингизнинг бетакрор тарихий обидаларини томоша қилиш, гўзал табиатидан баҳраманд бўлиш ва Янги йилни кутиб олиш мақсадида келдим, – дейди **Яо ВАНГ (Хитой)**. – Ўзбекистонда барча бирдек орзиқиб кутадиган ушбу байрамга бу даражада катта тайёргарлик кўрилгани, унинг бу қадар кўтаринки руҳда нишонланишини кўрган ҳар қандай одам ҳайратга тушиши аниқ.

Мамлакатингизда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланаётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар яратилаётгани диққатга сазовор. Шу боис кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга мамлакатингизнинг жаҳон сайёҳлик бозоридаги нуфузи тобора ошаётир. Ўзбекистонда бир бор бўлган киши унга яна келишни истайди.

ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Устюрт саҳроси бўйлаб 400 километрдан ортиқ масофага тортилган «Қўнғирот—Бейнеу» йўналишидаги йўловчи ва юк ташиш поездларининг кафолатли қатновини таъминлашда Қўнғирот темирйўл узелига қарашли 26-сонли темирйўлларни таъмирлаш корхонаси диққатга молик ишларни бажармоқда.

САҲРОДАГИ ҚАТНОВ КАФОЛАТЛАНГАН

Хусусан, корхона жамоаси янги — 2009 йилни муносиб ютуқлар билан кутиб оладиган бўлди. Яъни, улар қўшни Қозоғистон билан чегарадош «Қорақалпоғистон» темирйўллар участкасини таъмирлаб, поездларнинг бетўхтов қатновини йўлга қўйишда муносиб ҳисса қўшди.

— Корхонамиз «Қирққиз—Қорақалпоғистон» станциялари оралиғидаги 276 километр узунликдаги темирйўлни ва бекатларни таъмирлашга масъул, — дейди участка бош муҳандиси Ғайрат Нуртожиев. — Ёшлар йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида уддаладик. Айни пайтда поездларни белгиланган тартибда қабул қилиб, уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бундан ташқари, янги йил арафасида «Жаслық» темирйўл бектига тегишли 55 километр узунликдаги изларни таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. Ишни бир маромда юргизиб, режаларни ортиғи билан бажараётганимиз учун даромад ҳам ортиб боряпти. Бунинг натижасида жамоамиз аъзоларининг меҳнат қилиш ва яшаш шароити ҳам яхшиланмоқда. 20 нафар фахрийга ижтимоий кўмак кўрсатишга ҳам вақт топяпмиз.

Шу кунларда корхона ишчилари қалбида байрам шукуҳи барқ уриб, ёрдамга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олишга, уларни янги йил совғалари билан хушнуд этишга иштиёқ кучайган. Ҳа, темирйўлчилар келгуси — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини янги марра ва ютуқлар билан кутиб олсак, дейди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Тадбир

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўнлаб Меҳрибонлик ҳамда Оилавий болалар уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда тарбияланаётган етим ва ногирон болаларнинг таълим-тарбияси учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Қолаверса, сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимига янги – инклюзив таълим тури жорий этилмоқдаки, бу имконияти чекланган болаларга соғлом тенгдошлари қатори таълим олиш ва жамиятга мослашиш имконини бераётир.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Истиқлол йилларида Меҳрибонлик уйлари ва имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига яратилаётган шароитлар" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган тадбирда боқувчисини йўқотган ва етим болалар учун мўлжалланган аввалги таълим муассасалари Меҳрибонлик уйлари дея қайта номлангани, бу жамиятда уларга нисбатан янгича муносабат шакллланганидан далолат эканлиги эътироф этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, кейинги пайтда Меҳрибонлик уйлари фаолияти такомиллаштирилиб, моддий техник базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир барча Меҳрибонлик уйларига "Дамас" русумли автомашина берилган, аксариятида эса "Isuzu" автобуслари бор. Шунингдек, ҳомий сифатида бириктирилган корхона ва муассасалар Меҳрибонлик уйларига моддий-маънавий кўмак бериб келишяпти. Жорий йилнинг ўзида ҳомийлар томонидан 1,5 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилгани фикримиз далилидир.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Оилавий болалар уйлари тўғрисида"ги низом асосида ҳозирги кунда қаровисиз қолган болаларнинг яшаши, таълим-тарбия олиши учун Оилавий болалар уйлари ҳам ташкил этилмоқда, — дея таъкидлади Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов матбуот анжуманида. — Оилавий болалар уйларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга "Дамас" автомашиналари бериляпти, имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Андижон шаҳрида эса болалар оила шароитида тарбияланадиган Болалар шаҳарчаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, бу муассасаларда болалар алоҳида оилаларда, она-педагоглар томонидан тарбияланади.

Ҳозир республикамизда 11 мингдан ортиқ имконияти чекланган ва узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган ўғил-қиз уй шароитида таълим олмоқда. Уларнинг барчаси бепул ўқув дарсликлари билан таъминланган. Жорий йилдан эътиборан уларга замонавий компьютерлар ҳам бериляпти. Шунингдек, мамлакатимиздаги 89 та махсус мактаб ва мактаб-интернатларда имкониятлари чекланган 18 минг 460 нафар болага таълим-тарбия берилмоқда.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

МАРКАЗ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Яқинда Пахтакор туманида ҳомий ва ҳамкор ташкилотларнинг амалий ёрдамида ҳашар йўли билан «Ёшлар маркази» барпо қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Янги бинога «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, Жиззах политехника институти «Ахборот-ресурс маркази»нинг Пахтакор тумани тармоғи жойлашди. Бинонинг бир қисми «Маҳалла маркази» учун ажратиб берилди.

Барча қулайликларга эга бўлган ушбу марказ замонавий техник воситалар, мебель ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Биргина «Маҳалла маркази»га ажратилган хоналарни жиҳозлаш учун 8 милион сўм миқдордаги маблағ ишлатилди. Янгидан бунёд этилган «Маҳалла маркази»да 60 ўринли мажлис зали ҳам иш бошлади. Айни чоғда марказ ҳудудида ободонлаштириш ишлари қизғин бошлаб юборилди.

А.ҚАРШИЕВ

Хоразм вилояти

ЖАМОАЛАР КУЧ СИНАШДИ

Ўзи яшаб турган маскан – маҳаллани улуғлаш ва унинг тарихини билиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Қалбида мана шу бурч ҳисси билан яшаётган инсон доимо эзгуликка, бунёдкорликка интилади. Шу сабабли ёшлар онгида ўз маҳалласига, бу ерда узоқ йиллар давомида шаклланиб келган урф-одатларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Халқ таълими Вазирлигининг қўшма қарорига асосан "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ўтказиб келинаётган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари маҳаллаларидан ёшлар жамоалари ўзаро беллашдилар. Фуқаролар йиғини қошидаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти, "Оила–маҳалла–мактаб" концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар иштирокчилар томонидан саккизта йўналиш бўйича намойиш этилди. Ҳар бир жамоа ўзи яшаб турган маҳалла тарихи, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари ва мустақиллик йилларида эришган ютуқларини саҳна кўринишларида ифода этиб берди. Айниқса, жамоалар томонидан намойиш қилинган кўргазмалар барчада катта таассурот қолдирди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида жойлашган "Бобур" номидаги маҳалла фуқаролар йиғининг "Бобур" жамоаси биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғининг "Турон" жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Бир хил балл тўплаган Урганч шаҳри (Хоразм вилояти)даги "Гулзор" маҳалла фуқаролар йиғининг "Гулшан", Конимех тумани (Навоий вилояти)даги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғининг "Дўстлик" жамоаларига учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб жамоаларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

С.АБДУЛЛАЕВ

Хоразм вилояти

ЖАЙҲУН УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

Икки соҳилдаги маҳалладошлар мушкулини осон қилади

Азалдан йўл, кўприк қуриш, қудуқ қазиш савоб ишлардан саналган. Бу оддий ҳақиқат айни кунларда Амударё соҳилларида олиб борилаётган жўшқин меҳнат жабҳасида намоён бўлмоқда. Хоразм воҳасини қўшни Қорақалпоғистон билан боғлайдиган улкан иншоат – янги темир-бетон кўприк қурилиши қизғин давом этмоқда. Дарё узра қурилган эски кўприк яроқсиз ҳолга келиб, юк ташиш, йўловчилар қатновида қийинчиликлар туғдираётганди. Янги кўприк қуриш аҳолининг юрагидаги орзу-нияти эди. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса Юртбошимиз ташаббуси ва саъйи ҳаракатлари билан асрий орзулар айни истиқлол шарофатидан рўёбга чиқаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-2010 йилларда умумфойдаланувчи автомобиль йўлларини ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарори асосида Республика молия вазирлигининг йўл жамғармаси буюртмасига кўра бунёд этилаётган кўприк мамлакатимиз ривожига хизмат қилади, 2009 йил–«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» мақсад-манфаатларига ҳам бевосита дахлдордир.

Улкан бунёдкорлик иншооти қурилишида пойтахт Тошкентдаги «Кўприк қурилиш» давлат трестининг 13-кўприк қурилиш отряди бош-қош бўлмоқда. Бу жамоа олдин ҳам Амударё устига қурилган Ҳазорасп дараси темир йўл кўприги қурилишида фалоллик кўрсатиб, эҳтиромга мушарраф бўлган эди. Шунингдек, бунёдкорлик жабҳасида «Хоразмтранс» ОАЖ ва ўндан ошиқ пудратчи ташкилотлар ишчи-хизматчи, қурувчилари иштирок этишмоқда.

Янги кўприк лойиҳаси «Боштранслойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти етакчи мутахассислари томонидан барча зарур шарт-шароитлар, талаблар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Автокўприк олти қаторли, 22 устунга маҳкамланади. Эни 24, узунлиги 680 метрни ташкил қилади. Уни 21 та махсус темир қоплама мустаҳкам ҳолда ушлаб туради. Шуниси диққатга сазоворки, кўприк қурилиши учун ишлатилаётган конструкция, ускуна, темир-бетон қисмларнинг барчаси ўзимизнинг мустақил мамлакатимизда – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Қишнинг айни изғирин, қор-қировли шу кунларида қурилиш объектида жасорат ва матонат кўрсатаётган қурувчилар меҳнатига, уларнинг ғайрат-шижоатига беиҳтиёр тасаннолар айтасан киши. Чунки қурилиш ишлари жуда мураккаб вазиятда олиб бориляпти. Сув устида махсус катта ҳажмдаги понтонларда оғир юк ташиётган, уларни тушираётган машиналар, кранлар, юкларни зарур жойга етказаётган қурувчилар ҳаракати изчиллик билан давом этмоқда. Дарвоқе, бу ерда 300 нафардан ортиқ қурувчи меҳнат қилаётир. Уларга барча керакли шароитлар яратилган. Турар-жой, махсус иссиқ кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

– Мен олдин Юртбошимиз «Аср қурилиши» деб эътироф этган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» қурилишида қатнашган эдим, – дейди қурувчи Абдушариф Абдуллаев. – Ўшанда Президент совғаси – «Дамас» автомашинаси билан тақдирлангандим. Тағин, яна бир улкан иншоот қурилишида иштирок этганимдан ўзимда чексиз фахр туйғуларини ҳис қиляпман. Чунки, Амударё устидаги бу кўприк келгусида биз — қурувчилардан элдошларимизга ажойиб туҳфа бўлади.

Бугун қадим Жайҳун узра қад ростлаётган янги кўприк қурилиши 2010 йилда ниҳоясига етказилади. Бу билан икки соҳил ҳудудида юк ва йўловчилар ташиш учун бемисл имкониятлар яратилади.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla» мухбири.

Бунёдкорлик

Фарғона вилояти

ЙЎЛ КЕНГАЙИБ, РАВОНЛАШАДИ

Айни кунларда "Тошкент — Ўш" автомобиль йўлининг 216-274 қисмида қурилиш, капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Йўлсозлар ўз зиммасидаги ишни халқаро сифат талаблари асосида бажариш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Маълумки, Фарғона ва Андижон вилоятларини пойтахтимиз билан боғлаб турадиган йўл Қўқон шаҳри орқали ўтади. Шаҳарнинг географик ва демографик жиҳатдан ўсиши, автомобиль қатновининг кўпайиши сабабли Қўқон айланма йўли кеча-кундуз тирбанд эди. Шу боис, Фарғона вилоятининг Уч уй — Чағали ҳудудлари оралиғида янги автомобиль йўли қурилиши бошлаб юборилди. Айни вақтда қурилишнинг иккинчи – 23,5 километрли босқичи якунланиш арафасида.

Бунёдкорлик ишларини Халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси қурувчилари амалга оширишмоқда.

— Белгиланган ишларни ўз вақтида бажариш ҳаракатидамиз, — дейди корхона директори ўринбосари Валижон Азимов. — Ҳозир қурилиш ҳажмининг катта қисми якунланди. Иккита кўприк қурилди. Ушбу кўприкларни боғлаб турадиган йўлда эса жадал қурилиш бормоқда.

Дарҳақиқат, тажрибали йўлсозлар айни пайтда ҳар томонлама сифатли, кенг ва равон йўл барпо этиш ниятида кечаю-кундуз меҳнат қилишмоқда. Қурилиш ишлари поёнига етгач эса, водийнинг ҳар икки вилоятидан пойтахтга элтувчи йўл бирмунча қисқариб, Қўқон айланма йўлидаги қатнов меъёрига тушади.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Андижон шаҳридаги «Golden Berg Servis» шўъба корхонасида сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада 20 нафар маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринлари яратилиб, хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган қолипли нон ва нон маҳсулотлари чакана савдосини ташкил қилиш мақсадида корхонанинг ўзида фирма дўкони очилди. Бу эса корхона маҳсулотларини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиш имконини бераётир.

СУРАТЛАРДА: *корхона ишчиси Шаҳноза Алиева иш пайтида.*

шўъба корхона нон ишлаб чиқариш цехининг янги «Ризқ» савдо дўкони кўриниши.

Шухрат ОЛИМОВ
(ЎзА) **олган суратлар.**

Жиззах вилояти

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

"ТОШКЕНТЛИК" АҲЛИНИНГ ЭЗГУ ОДАТИ

"Тошкентлик" маҳалласи Жиззах туманидаги энг обод ва намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Йиғин ҳудудидаги барча аҳоли турар жойлари замонавий типда бунёд этилган. Янгидан қурилаётган уйларнинг аксарият қисми эса ёш оилаларга берилмоқда.

Маҳаллада янги уйларнинг ҳовлисига эзгу ният билан терак кўчатларини ўтказиш расм бўлган. Шу билан бирга, ўғил фарзанд кўрган оилаларда ҳам, албатта, терак экилади, парвариш қилинади. Бола улғайиб, юрт хизматига шай бўлганида бу тераклар етилиб, унинг уйини қуришда ишлатилсин, деган хайрли мақсадда бажарилади бу ишлар. Шу туфайли кўкка бўй чўзган теракларни ҳар бир ҳовли ва кўча бўйларида учратиш мумкин.

Дарвоқе, "Тошкентлик"нинг одамларида мевали боғ барпо этишдек эзгу одат бор. Маҳалла аҳли полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш борасида ҳам етарли тажрибага эга. Қолаверса, маҳаллий бозорларда қўлма-қўл бўлиб сотилаётган анвойи гулларнинг бир қисми ушбу маҳаллада етиштирилади. Гулчилик билан шуғулланиб келаётган 12 та хонадон соҳиблари орттирган даромадининг бир қисмини маҳалла ишларига сарфлайди.

Аҳолига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида йиғин мутасаддилари маиший хизмат турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш бўйича ташаббус кўрсатишмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, жорий йилда сартарошхона, иккита ошхона, иккита тегирмон, кафель ишлаб чиқариш заводи ва пахта титиш цехи ишга туширилди. 24 нафар хотин-қиз касаначилик фаолияти эвазига доимий иш билан таъминланди.

Маҳаллада қонунчилик талабларидан келиб чиқиб маълум тартиб-қоидалар жорий этилган. Шу туфайли ҳудудда осойишталик ҳукм сурмоқда. Профилактика нозири ва маҳалла посбонлари тартиббузарлик ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик содир этилишининг олдини олишда ютуқларга эришяпти. Бундан ташқари, спорт иншоотлари сонининг ортиши маҳалла ёшларини спорт билан мунтазам шуғулланишга ундаяпти.

— Яқинда "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз" мавзусида кўрик-танлов ўтказдик, — дейди маҳалла оқсоқоли Набижон Назаров. — Уни ташкил этишда тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш комиссияси аъзолари фаоллик кўрсатди. Тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Танловда асосан тўйларда урф тусини олаётган ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик, энг ихчам ва миллийлигимизга хос бўлган удумларни қўллаш лозимлиги хусусида сўз борди. Кўрик-танлов иштирокчилари унут бўлиб кетаёзган удумларимизни эсга олиб, уларнинг афзаллик жиҳатларини очиб беришди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қарор ва ижро

Андижон вилояти

20 МИНГ ТОННА ОЗУҚА

салкам икки ой давомида чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларига етказиб берилди

Кейинги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ривожланиб бормоқда. Буни чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги чорва молларининг йилдан йилга кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Юртбошимизнинг "Шаҳсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан Андижон туманида омухта ем, шрот ва шелуха етказиб беришга ихтисослашган вилоят бирлашмаси ташкил этилган эди. Бирлашма салкам икки ойлик фаолияти давомида вилоятдаги чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини 20 минг тоннага яқин маҳсулот билан таъминлади.

– Ҳозирги кунда вилоятнинг шаҳар ва туманларида бирлашмамизнинг 14 бўлими, 134 та махсус шохобчаси фаолият юритмоқда, — дейди бирлашма раҳбари Ойбек Абдуллаев. — Аҳоли билан алоқаларимиз яхшиланиб бормоқда, сабаби бизнинг маҳсулотимиз бозорникидан анча арзон ва сифатли. Айни пайтда чорвачиликка ихтисослашган 562 та фермер хўжалиги ва аҳоли ихтиёридаги 1,2 миллионта парранда учун етарли даражада озуқа маҳсулотлари етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Чунки етказиб бераётган омухта ем, шрот ва шелуха миқдори талабга нисбатан оз.

Вилоятдаги ёғ-мой ва дон маҳсулотлари корхоналари билан бирлашма ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Маҳсулотлар чорва ва парранда сонига қараб туманлардаги бўлинмаларга тақсимланмоқда. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги катта бўляпти. Жумладан, фуқаролар йиғинлари бўлинмаларга қишлоқ ва маҳаллалардаги чорва моллари бор аҳолининг тўлиқ рўйхатини тузиб беришмоқда. Бу вилоятнинг ҳатто энг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолига ҳам чорва озуқаларини биринчи қўлдан сотиб олиш имконини бермоқда, бирлашмага ҳам катта даромад келтиряпти. Ўтган қисқа вақт ичида бирлашма шохобчалари 3,1 миллиард сўм нақд пул тушумига эришгани фикримизга далилидир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қисқа сатрларда

АРГЕНТИНАнинг Сан хуан шаҳридан 25 километр узоқликда зилзила содир бўлди ва натижада 2 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Зилзила кўрсаткичи тахминан 5,5 балл атрофида деб тахмин қилинмоқда.

БОЛИВИЯда йўловчи ташиш автобуси 100 метр баландликдан жарликка қулаб тушди. Ла-Паса шаҳри яқинида рўй берган бу автохалокат вақтида 17 нафар киши ҳалок бўлди, 3 киши жиддий жароҳат олди.

БУЮК БРИТАНИЯдаги бошланғич мактаблардан бирида шартнома асосида ишлаётган муаллима етти ёшли болаларга Санта Клаус аслида йўқлиги ва унинг ўйлаб топилган қаҳрамон эканлигини айтгани учун ўз вазифасидан озод қилинди.

КАНАДАликлар қарийб 40 йилдан кейин биринчи марта янги йилни қор билан бирга кутиб олишга ҳозирлик кўришмоқда. Байрам арафасида мамлакатнинг барча ҳудудлари қор билан қопланиши охирги марта 1971 йилда бўлган эди.

БЕЛГИЯда эри ва қайнонасининг маънавий жиҳатдан қийналишини истаб ўз фарзандларининг жонига зомин бўлган онанинг устидан суд жараёнлари бошланди. У тўртта қизи ва ўғлининг ўлимига эри онасига уйидан бошпана бериб, бутунлай яшашга олиб келгани, бу эса уларга мустақил яшаш учун халақит берганини сабаб қилиб кўрсатяпти. Болаларнинг энг каттаси 14 ёшда эди.

Дунёдан дараклар

2 миллион йил аввал

Жанубий Африкада Торонто университети археологлари томонидан икки миллион йил аввал одамлар истиқомат қилган тураржой топилди.

Бу бошпана Куруман тоғидаги Вондерверк ғорида жойлашган бўлиб, унга зиналар орқали тушилган, чуқурлиги тахминан 130 метрни ташкил этади.

"Ушбу геологик тадқиқот шуни кўрсатадики тош зиналар сув оқими ёки шу каби ҳолатлар натижасида пайдо бўлган эмас, балки замонавий одам томонидан қурилган. Бу аждодларимиз ривожланишнинг бир қанча босқичларини ўтганига далолат ҳамдир. Тошдан бир текисда ва бир-бирига мос тахталар ясаб бундай уй қуриш фақат "маймунни одамга айлантирган меҳнатнинг маҳсулоти эмас" дейди топилмани таҳлил қилаётган қадимшунос олимлар. Уларнинг бу фикрларига тош йўниш учун ясалган асбобларнинг нақадар ақл билан ва моҳирона ишлангани мисол бўла олади.

Жанубий Африкада топилган ушбу яшаш иншооти Эфиопия ҳудудидаги тошдан йўниб ясалган энг қадимий уй деб тахмин қилинмоқда. Унинг ёши ўртача 2,4 миллион йил бўлиши мумкин.

"Қорбобо"нинг "совға"си

АҚШ полицияси Лос-Анджелес атрофида портлаган "қорбобо"нинг машинаси ва ҳалок бўлган кишилар ишини кўриб чиқмоқда.

Қорбобо кийимини кийиб олган одам Лос-Анжелес яқинида байрам кечасида пайдо бўлиб ва 8 нафар кишини отиб ташлади, у ўрнатиб кетган бомба полиция томонидан зарарлантириш пайтида портлаб кетди. Оқибатда жабрланганлар сони янада ортди.

Полиция орадан ҳеч қанча ўтмай "қорбобо"нинг машинасини ва ўзини ҳам топди. 45 ёшли Брюс Жеффри Пардо тинчгина дам олаётган кишиларга ҳужум қилиб қайтганидан сўнг ўз жонига қасд қилган. Унинг нима мақсадда, кимга қарши бу ишни қилгани ҳали аниқлангани йўқ.

Қариялар турмуш қурмоқда

Англияда ҳар йили 400 нафар атрофидаги ёши 80 дан ошган кексалар оила қуради.

Бирлашган Қиролликнинг миллий статистика бўлими берган маълумотга кўра, охирги 25 йил ичида оила қуришга ариза қабул қилиш ёшларга қараганда кексалар ўртасида икки баравар ошган ҳамда ҳамон ўсишда давом этмоқда.

Экспертларнинг тахмин қилишларича, 2032 йилда саксон ёшли ва ундан катта ёш оилаларнинг сони йилига минг нафардан ошиб кетиши мумкин. "Ёлғизлик нафақат бахтсизлик, балки вақтнинг ўтиши билан соғлиққа ҳам кескин таъсир қиладиган ҳолатдир. Умрининг сўнгги кунларини бир-бирига овуниб ўтказиш ҳаётни анча енгиллаштиради. Агар инсонлар ана шу ёшда ҳамдарсиз қолишса, бундан ёмони йўқ", дейди «Қарияларга кўмак» ташкилоти экспертлари.

Интернет хабарлари асосида Муҳайё Рустам қизи тайёрлади.

Самарқанд вилояти

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДА МУАММО ЙЎҚ

Куз ва қиш ойларида аҳолида иссиқлик энергиясига бўлган талаб сезиларли даражада ошади. Бу пайтда кўпчилик электр энергияси ва газдан фойдаланади, лекин коммунал тўловларга келганда ўзини четга олиб қочадиганлар ҳам йўқ эмас.

Айтиш керакки, аҳолидан коммунал тўловларни ўз вақтида йиғиб олишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни ва масъулияти катта. Чунки оқсоқол маҳаллада яшаётган кишиларнинг ижтимоий аҳволидан яхши хабардор бўлиб, тўловларнинг тўланмаётгани сабабини билади. Муаммони шундан келиб чиққан ҳолда бартараф этади.

Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номидаги маҳалла вилоятдаги энг обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Сабаби, бу масканда жойлашган 430 дан зиёд хонадоннинг коммунал тўловлардан қарзи йўқ.

— Газ, электр ёки бошқа тўловлар масаласида бизга эътирозлар бўлмайди, — дейди маҳалла оқсоқоли Суннат Кўбаев. — Ҳеч бир хонадон электр энергияси ёки табиий газ тармоғидан узилмаган. Ҳамма тўловлар ўз вақтида тўланади. Бунга фаолларимиз билан тарғибот ва тушунтириш ишларини вақтида олиб бориш эвазига эришяпмиз. Коммунал тўловни тўлашга қурби етмаган фуқароларга тадбиркорларимиз ҳомийлик қилишяпти.

Ҳақиқатдан ҳам, маҳалла аҳлининг иноқлиги, ҳамжиҳатлиги муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Бирор хонадон йўқки, муаммоли масала юзасидан фуқаролар йиғини оқсоқоли билан маслаҳатлашмаса. Шу туфайли барча муаммолар фуқаролар йиғини аралашуви билан ижобий ҳал бўлмоқда, маҳалла кундан кунга ободонлашиб бораётир.

Мақсуд АКРОМОВ

«Mahalla» жавоб беради

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ЮРИТИШ ЛОЗИМ

Савол: **Мен бир неча йилдан бери фермерлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Яқинда 6 нафар маҳалладошимни ишга қабул қилдим. Улар учун меҳнат дафтарчаси юритиш керакми?**

Жавоб: *Агар фермер сифатида рўйхатдан ўтган бўлсангиз ва қўл остингизда ходимлар ишласа, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун асосида фаолият юритишингиз керак. Унда фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган.*

Демак, сиз иш берувчи сифатида ишчи-ходимларингизга меҳнат дафтарчаси юритишингиз шарт. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарори билан тасдиқланган фермер хўжалиги ходимларини ишга ёллаш тўғрисидаги намунавий шартномадан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Савол: **Фермер хўжалигида тракторчи эдим. Яқинда тракторни тузатаётиб оёғимга темир тушиб кетди. Натижада оёғим лат еб, бир ой ишлолмадим. Фермер эса бирор марта ҳолимдан хабар олмади. Даволанишим учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаатим ҳам жавобсиз қолди. Тузалганимдан сўнг унга вазиятни тушунтирсам, оёғингни мен уриб синдирганим йўқ, деди. Ишламаган кунларим учун ҳақ тўламаслигини айтди. Айтинг-чи, у бунга ҳақлими?**

Жавоб: *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, киши бирор корхона, муассаса, ташкилотда фаолият юритса, меҳнатда майиб бўлганида ёки шикастланганида, шу жумладан, турмушда жароҳатланганда унга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши керак.*

Нафақа иш жараёнида майиб бўлганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача бўлган миқдорда тўланади.

Ушбу ҳолатда сиз иш берувчи – фермер хўжалиги раҳбари устидан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

ҚЎШНИМНИНГ ТЕРАГИ...

Савол: **"Нексия" русумли автомашина сотиб олгандим. Яқинда кучли шамол бўлиши натижасида қўшнимнинг тераги синиб ҳовлимда турган машинанинг устига тушди. Натижада менга моддий зарар етказилди. Бу зарарни кимдан ундираман?**

Жавоб: *Бу вазиятда Фуқаролик кодексининг 985-моддасига асосан иш кўрилади. Унда ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши белгилаб қўйилган. Лекин сиз бу ўринда қўшнингиздан зарарни ундириб ололмайсиз. Чунки ушбу ҳолатда қўшнингизнинг айби йўқ. Автомашинангиз суғурта қилинган бўлсагина, суғурта пулини олишингиз мумкин.*

КЎЗА КУНИДА СИНДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланиб, бу борада уларга бир қанча қулайлик ва имтиёзлар берилгани фикримиз исботидир.

Бироқ айрим "тадбиркорлар" бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига, аксинча, солиқ қонунчилигига зид равишда иш кўришни афзал билишади. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Ф.Файзиев ҳам ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. У савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўпол равишда бузиб, харидорга хорижда ишлаб чиқарилган кийим-кечак маҳсулотлари 4230 АҚШ долларига сотишга жазм этди. Боз устига, НКМ чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция беришни "унутди".

Кўза кунда эмас, кунида синади. Тадбиркорнинг ушбу хатти-ҳаракатларига суд томонидан қонуний баҳо берилди. У белгиланган миқдорда жаримага тортилиб, текширув давомида олинган товар-моддий бойликлар мусодара қилинди.

Қилмиш – қидирмиш

Х.МИРСОАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси катта прокурори.

Андижон вилояти

ЯНГИ ЙИЛНИ УЙДА

Марҳамат туманида жойлашган "Хўжаариқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Азамат Сиддиқов ўз оиласи билан Полвонтош шаҳарчасидаги янги уйга кўчиб ўтди.

"Саноатқурилишбанк"нинг Андижон минтақавий филиали томонидан берилган 11,2 миллион сўмлик ипотека кредити эвазига сотиб олинган ушбу уйда янги йил байрамини уй тўйи билан биргаликда нишонлаш учун Азамат ўз ҳамкасблари, дўст-биродарларини таклиф этди...

Андижон шаҳрида банкнинг молиявий кўмаги туфайли бу йил 32 та ёш оила янги йил арафасида янги уй эгасига айланди. Банкнинг минтақавий филиали маблағи ҳисобига бунёд этилган ушбу кўпқаватли уйларда ёшларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун барча шароитлар яратилган.

— Ёшлар йилида банкимиз томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди, — дейди банкнинг минтақавий филиали раҳбари вазифасини бажарувчи Чори Холмуродов. — Бундан ташқари, 150 га яқин оила маиший эҳтиёж молларини сотиб олиш ва тадбиркорликни ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Андижон шаҳрида фойдаланишга топширилган "Ёшлар маркази" ҳам банкнинг Ёшлар йилида вилоят йигит-қизларига муносиб совғаси бўлди. Бу маскан банкнинг кредит маблағлари эвазига "Мустақиллик АН" МЧЖ қурувчиларининг саъй-ҳаракати билан барпо этилди. Замонавий ускуналар билан таъминланган бинода ёшлар билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, тўй-тантаналарни ўтказишлари мумкин.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Яқинда Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига асосан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро нуфузини ошириш, Ватанимизнинг ободлиги ва халқимизнинг фаравонлиги йўлида қилган фидокорона меҳнатлари туфайли тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимизга юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотланганлар орасида моҳир созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов ҳам бор эди. Ўз соҳасининг устаси бўлган санъаткор мамлакатимиз раҳбари қўлидан ҳукуматимизнинг «Буюк хизматлари учун» орденини қабул қилиб олди. Ахборот агентлиги мухбирлари у киши билан суҳбатлашди.

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ:

«САНЪАТНИ СЕВМОҚ — ВАТАННИ СЕВМОҚ ДЕМАК»

— Абдуҳошим ака, юксак мукофот муборак бўлсин. Айни паллада кўнглингиздан нималар кечмоқда?

— Мамлакатимизда санъатга, санъат аҳлига бўлган эътибор энг ривожланган давлатларда ҳам учрамайди. Буни бир неча мисоллар билан исботлаб беришим мумкин.

Масалан, бирон бир мамлакатда Ўзбекистон давлат консерваторияси каби консерваторияни учратганим йўқ. Ушбу мусиқий даргоҳ Президентимиз ташаббуси билан шаҳарнинг қоқ марказида барпо этилиб, дунёдаги энг илғор ва сара мусиқий асбоблар олиб келинди. Ҳатто Европа ва Осиёда мавжуд энг улкан Органларнинг бири қурилди.

Шу йил мамлакатимиз раҳбарининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур дастурга кўра, мусиқий мактаблар қошида концерт заллари қурилиши, мусиқий созларни сақлайдиган хоналар, ҳатто созларнинг қуруқ сақланиши масалалари ҳам ўз ечимини топган. Ахир, бугун қайси мамлакатда санъатга бунчалар эътибор берилмоқда?

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча соҳаларда ўзингни намоён этиш учун имкониятлар яратишга, эришилган муваффақиятлар изчил рағбатлантириб борилишига катта эътибор қаратиляпти. Президентимиз бир гуруҳ ёш санъаткорларни юксак унвонлари билан тақдирлади. Энг муҳими эса, фақатгина бугун халққа хизмат қилаётган санъат вакиллари эмас, балки Тўхтасин Жалилов, Мукаррама Турғунбоева, Маъмуржон Узоқов каби марҳум санъаткорларимизга ҳам «Буюк хизматлари учун» орденлари берилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг камтарона меҳнатимга бўлган эътибори, шундай юксак мукофотга лойиқ деб топилишим кўксимни фахрга тўлдиради, шу Ватанни дунёга танитишга, янги-янги оҳангларни яратишга илҳом беради.

— Сиз ўнлаб хорижий мамлакатларда миллий санъатимиз намуналарини намойиш этиб, мухлислар ҳам орттиргансиз. Айтингчи, дунёдаги санъатга ихлосманд жамоатчилик бизнинг мусиқамизни қандай тушунади, уларга кўпроқ қайси жиҳатлари манзур бўлади?

— Битта чиройли ибора бор: «Санъатсиз миллат бўлмайди». Дунёда қандай миллат бўлмасин, унинг ўзига яраша санъати бор. Лекин миллий санъатимизнинг улардан фарқи катта. Буни бир сўз билан айтиш қийин. Масалан, мен ёки бошқа бир ўзбекистонлик санъаткор уларнинг барча созларини, барча мусиқаларини худди ўша халқ вакили чалгандек қилиб ижро этиб беришимиз мумкин. Бироқ уларнинг бирортаси миллий созларимизни маромига етказиб чала олмайди. Бунинг сабаби нимада? Бизнинг миллий мусиқа созларимизни чалиш, мақомларимизни айтиш учун улар шу ерда туғилиб ўсиши, жуда қадимий ва юксак маданияти мавжуд халқ яшайдиган юрт ҳавосидан нафас олган бўлиши керак. Бу санъатни ўрганмоқ учун Ўзбекистонни қаттиқ севмоқ керак.

Миллий санъатимиз намуналари, улардаги инсоний туйғуларнинг, изҳор этиб бўлмайдиган ҳиссиётларнинг оҳанги қандай миллат вакили бўлишидан қатъи назар, тингловчи юрагининг ҳали ҳеч ким ва ҳеч нарса забт этмаган туб-тубларига етиб боради. Ана шундай гўзал мусиқа ва ашулаларнинг бизда яратилганлиги, асрлар оша ижро этиб келиниши, дунёни ром этиши бу заминнинг бетакрор ва муқаддаслигини яна бир бор исботлайди, назаримда.

— Сизга маълум, баъзилари айнан, баъзан эса чалиниши ёки кўриниши жиҳатидан миллий чолғу созларимизга яқин бўлган мусиқий асбоблар бошқа халқларда ҳам учрайди. Масалан, Шарқда ғижжак мавжуд бўлгани ҳолда Ғарбда скрипка пайдо бўлган. Улар орасидаги фарқ ва устунлик нимада?

— Албатта, ҳар бир халқнинг ўзига хос чолғу асбоблари бор ва улар ўзига хос. Бироқ мен ишонч билан айтаманки, жуда кўп мусиқий созлар бизнинг заминимизда яратилган. Фурқатнинг «Уд, руд, қонун ила бўлғаймукин» мисраси билан бошланадиган ғазалини ҳар гал ўқиганимда, ана шу созларнинг бизда мавжуд бўлгани, кейинчалик, бошқа халқларга ўтиб, уларда бошқачароқ кўринишда пайдо бўлиб қолгани ҳақида ўйлайман.

Ғижжакнинг скрипкадан фарқли ва устун жиҳатлари ҳам бор. Скрипканинг тепароқ қисмида иккита ғовак мавжуд, у созандани камонни симга теккизишидан олдин оҳангнинг тўғри ёки нотўғри эканлигидан хабардор қилиб туради – камон симга тегишидан олдинроқ қайси пардада оҳанг чиқиши созандага маълум бўлади ва шу тариқа у пардани созлаб олади. Шунинг учун ҳам скрипка елкага, қулоққа яқин жойга қўйиб чалинади. Ғижжакдачи? Аслида, скрипка чалишни ўрганувчига ёки уни чалувчига қўйилган талаб ғижжакка ҳам қўйилади, аммо скрипканикидан бир мунча каттароқ. Яъни, ғижжакчи пардани скрипканинг ғовакларидан келган оҳангни эшитганидан кейин эмас, создан овоз чиқишидан жуда ҳам оз фурсат олдин илғайди ва пардани созлаб олади. Бунинг учун, албатта, ғижжакчидан лаҳзанинг бир неча улушлари орасида оҳангни илғаб олишга хизмат қиладиган қобилият талаб қилинади. Ёки, скрипкада чалинадиган исталган куйни, ҳатто, Бетховен, Бах асарларини ҳам ғижжакда аслидай қилиб чалиб бериш мумкин, скрипкада эса «Муножот»ни, «Тановор»ни, ушшоқларимиз каби мумтоз куйларимизни маромига етказиб ижро этиш мушкул.

Бектемир ПИРНАФАСОВ,
Насиба СОБИРОВА,
«Жаҳон» АА мухбирлари.

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳридаги 27-умумтаълим мактаби ҳам Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ таъмирланди.

Ўқувчиларнинг билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун бу ерда барча шароит яратилди. Билим маскани компьютер ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

СУРАТДА: *ўқувчилар машғулот пайтида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Табиат илҳомлари

Ҳазонлар дилимга солса гар хуфтон,
Баҳорни излайди бетиним кўзим.
Мағрур бошгинамни эголмас бўҳтон,
Яна ҳайратдаман ёлғиз мен ўзим.

Бетиним шамолга қалашиб ҳислар,
Ортидан етаклар, тортқилар қўлдан.
Кўринмас боғларда мени хуш ислар,
Имлаб чақирмоқда беркитиб дўлдан.

Нафис куйларгадир ошуфта қалбим,
Булбул навосини қўмсайди ҳаргиз.
Табиат онамсан, қилайин таъзим,
Шаббода эсади қанчалар нафис.

Завқсиз яшамоқлик шоирга ўлим,
Тебратар ҳар нафас руҳсиз танларни.
Шоир кезган боғлар топади сўлим,
Майсалар шивирлар илиқ тонгларни.

Нилуфар МАДРАҲИМОВА
Хорзм вилояти
Янгибозор тумани

ЯНГИ ЙИЛ АНЪАНАЛАРИ

Одамлар азал-азалдан Янги йилни қандай кутиб олсанг, йилни ана шу кайфиятда ўтказасан, деган иборага қаттиқ ишонишган. Шу боис, Янги йил қадимдан турли мамлакатларда турли хил анъаналар билан боғлиқ ҳолда кутиб олинади.

Англияда Янги йил дастурхонига каштанли ва қовурилган картошка билан кўрка гўшти, помидор шарбати, карам билан димланган гўшт тортилади, ундан кейин пудинг, ширинликлар ва мевалар қўйилади. Шунингдек, британияликларнинг "Янги йилни кутиб олиш" деб номланган қадимий одатлари ҳам бор. Унга кўра соат тунги 12 га биринчи занг чалганида уйнинг орқа томонидаги эшик эски йилнинг чиқиб кетиши учун очиб қўйилади.

Бразилияда Рио де Жанейро аҳолиси океан бўйига чиқиб, денгиз маъбудаси – Йеманжега ҳадя олиб келишади. Ҳадя сифатида гулдасталар, оппоқ шамлар, заргарлик буюмлари олиб келинади ва қайиқчаларга солиниб, денгизга оқизилади. Дарвоқе, океан бўйига чиққан бразилияликларнинг барчаси оппоқ кийимда бўлишади. Бу Йеманжега тинчлик тилаб қилинадиган илтижо рамзи ҳисобланади.

Бельгия ва Нидерландияда Янги йилнинг илк кунида кишининг хулқ-атвори қанақа бўлса, йил давомида шундай давом этиши ҳақида хабар берувчи «биринчи кун сеҳри» деган тушунча кенг тарқалган.

Фламандлар (Белгиянинг шимолида яшайдиган немис тилида сўзлашувчи аҳоли) ва валлонлар одатига кўра, Янги йил кечаси "Яхшилик фариштаси" ёки "Гўдак Исо" хонадонларни айланиб, ухлаб қолган болалар ёстиғи тагига ширинликлар қўйиб кетади.

Венгрияда Янги йил кириб келганининг илк лаҳзалари ҳуштакбозликка айланиб кетади. Бу гўёки ёвуз руҳларни қувиш учун қилинади. Янги йилни қутиб олишга тайёргарлик кўришда венгрияликлар, албатта, байрам таомини пиширишади. Уларнинг ишончига кўра, кишини қашшоқликдан ёнғоқ, касалликдан саримсоқ, нохуш ҳолатлардан асал асрайди.

Вьетнамда Янги йил «тэт» деб аталади. Уни мамлакат аҳли 21 январь ва 19 февраль орасида кутиб олади. Байрам куни ҳар йили ўзгариб туради.

Вьетнамликлар ҳар бир уйда худо яшайди, деб ишонишади. Янги йилда ана шу худо самога кўтарилиб, оиланинг ҳар бир аъзоси ўтган йилни қандай ўтказгани ҳақида гапириб беради. Қачонлардир вьетнамликлар худо карп балиғининг белида ўтиради, деб ишонишган. Бугун ҳам аҳолининг кўпчилиги янги йилда карп балиғини сотиб олиб, кейин денгизга қўйиб юборади.

Италияда Янги йил кириб келиши биланоқ уй деразаларидан кўчага яроқсиз тумба ва кроватлар, столстуллар отилади. Мамлакатда қадимдан яна бир одат сақланиб қолган: 1 январь куни тонг саҳарда уйга булоқдан сув олиб келиш керак. Бу сув бахт келтиради, деб ҳисоблашади улар.

Шунингдек, агар бирор бир италиялик 1 январь куни биринчи бўлиб роҳиб ёки руҳонийни учратса, бу бахтсизлик аломати. Агарда кимдир ўркачли ҳайвонни кўрса, бу жуда зўр, бу одамга янги йилда доим омад кулиб боқади.

Хитойда Янги йил 17 январь ва 19 февраль оралиғида, янги ой чиққан пайтда нишонланади. Кўчаларда бўлиб ўтадиган тантаналар байрамнинг энг ўзига тортадиган жиҳати ҳисобланади. Хитойликлар янги йил ёвуз руҳлар қуршовида, деб ҳисоблашади ва ушбу маросимда турли портлаткичларни осмонга отишади. Баъзилар эса деразаларини ёвуз руҳлар кириб олмаслиги учун қоғозлар билан беркитишади.

Панамада Янги йил кечаси соат тунги 12 га бонг урганида ўт ўчириш машиналарининг ваҳимали сиреналари ва автомобиль сигналлари қулоқни қоматга келтириб чалинади. Болалар, ҳатто катталар ҳам бу пайтда овозларининг борича қичқиришади ва қўлларига нима тушса, ўша нарсани ерга уриб тарақлатишади. Бу шовқин-сурон ва тарақ-туруқнинг ҳаммаси Янги йилнинг "кўнглини овламоқ" учун қилинади.

Шотландиянинг бир қанча қишлоқларида Янги йил ўзига хос машъала ёқиш билан кутиб олинади: картондан бочка ясаб, уни ёндиришади ва кўчалар бўйлаб айлантиришади. Бу орқали шотландлар эски йилни ёқиб "юборишади" ва янги йилнинг йўлини "ёритишади".

МУҲАННИМЛАР ТАҲБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Келгуси йилнинг биринчи ярмида яқин кишиларингиз билан муносабатда муаммолар юзага келиши мумкин. Баҳорда оилавий масалаларда муҳим қарор қабул қилишингизга тўғри келади.

СИГИР(22.04-20.05)
Янги — 2009 йилда қўлаган мақсадингизга эришиш учун жуда эркин ва ўзингизга тўлиқ ишонган ҳолда ҳаракат қиласиз. Аммо осонликча эришган нарсангизни худди шу тарзда бой беришингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Келаётган йилда иш фаолиятингизда тўсиқларга дуч келишингиз эҳтимоли бор. Лекин оилавий муносабатлар ва севги бобида омад сиз томонда бўлади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Умуман олганда, келгуси йилда мазкур бурж вакилларининг ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бериши мумкин. Баҳор фаслининг охири ёзнинг бошида иш фаолиятингизда катта ютуққа эришасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
2009 йил ишқий саргузаштлар ва ижодий изланишлар билан бошланади. Аммо шахсий масалаларда бироз қийинчиликларга дуч келасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Мазкур бурж вакиллари янги йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида тинимсиз ишлаши лозим бўлади. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси эса май ойларида кўрина бошлайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Кириб келаётган йилда хатти-ҳаракатларингизни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўринг. Яқин кишиларингиз ва дўстларингизга нисбатан кечиримли бўлишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Келгуси йилда сиз ҳамкорликни кенгайтириш ва мавқеингизни янада ошириш имкониятига эга бўласиз. Апрель ойидан сентябрнинг биринчи ўн кунлигига қадар турли ўй-хаёллар, хою-ҳавасларга берилманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ сиз йил давомида қиладиган ишларни режалаштириб, уларнинг натижаси ҳақида яхшилаб ўйлаб олинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Сигир мучали йилнинг биринчи ярми сиз учун омадли ва қизиқарли тасодифларга бой бўлади. Ўзингизга қаттиқ ишониб, ўзгаларнинг фикрига қулоқ тутмаслигингиз сизга фақат зарар келтириши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Келаётган йилнинг дастлабки икки ойида кўпроқ ким билан дўст тутиниш керагу, кимдан узоқроқ юриш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрганингиз маъқул. 2009 йилнинг охирги ойларида юқори чўққиларни эгаллайсиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ушбу бурж вакиллари учун янги йилнинг баҳор фасли жуда муваффақиятли келиши кутилмоқда. Октябрь ойида ижодий салоҳиятингизни намойиш қилиш истаги пайдо бўлади.

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

Ҳажвий суратлар билан безатилган китобни варақлар экансиз, унинг саҳифаларида марҳум Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов каби азиз устозларнинг ҳали қулоқларда сўнмаган қаҳ-қаҳалари, адибнинг кўп йиллик қадрдонлари бўлган Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Умарали Норматов, Носир Фозилов ва бошқа ижодкорларнинг ичакузди ҳангомалари қайта-қайта жаранглаб эшитилаётгандек дилингиз яйраб кетади.

"Ғаройиб саёҳат"да Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" комедияси олис Америкада намойиш этилиши муносабати билан устоз адибнинг ўша юртга саёҳати ғоят қизиқарли тасвирланса, "Ўзбекнинг соддаси" ҳамда "Шумлик" туркумида ёзилган ҳангомаларда замондош адиб, шоир ва адабиётшунос олимлар билан бўлган қизиқарли воқеалар, суҳбатлар мароқ билан ҳикоя қилинади.

Адиб кундалик ҳаётда учрайдиган баъзи иллатларни бадиий лавҳалар воситасида фош этаркан, уларни мутолаа қилган ўқувчи ўша "қаҳрамонлар" устидан кулиш баробарида жиддий мулоҳаза ҳам юритиши шубҳасиз. Тўпламдан ўрин олган "Сўққабош бевагина", "Туғма истеъдод" сарлавҳали ҳажвияларда ўзингизга ғоят таниш чеҳралар яна бир бора кўз олдингизда намоён бўлади.

"Сўққабош бевагина"нинг қаҳрамони — Жонеттага айланган Жаннатхон собиқ шўро тузумининг таннозчаларидан бири. Шаҳарма-шаҳар кезиб тўрттасидан тўртта бола орттирган. Шўрлик болаларни ўша шаҳарлардаги "детдом"ларга ташлаб келган. Ўша даврга хос тили чиққан "Жонетта"нинг энди гапиришлари ҳам ўзгача: "Гуд монинг! Салом! Рухсатингиз билан ўзимни представить этсам... Жонетта Кабуловна Халтаева! Мен к сожалению сизнинг сочинениеларингизни ўқиган эмасман. Ростини айтсам, китоб ўқишга вақт йўқ. Биласиз, время — деньги. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар ҳақида ёзаркансиз".

Жонетта бугунги замона зайлини ҳам ўзича талқин этади. Буни қарангки, бу аёлнинг навбатдаги умиди — юртимизда ёлғиз оналар учун яратилган имтиёзлардан ҳам устамонлик билан фойдаланиб қолиш. "Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан "Сизга уй йўқ, ҳамма квартиралар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз, "катта кўча", деди. Шуни бир фельетон қилинг! Беспомошний мать-одиночкани унижат қилиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўйинг!" — дея оналар ҳақида кўплаб асарлар ёзган адибга қилган "мурожаати" кулгили чиққан.

"Туғма истеъдод" ҳажвиясида ундан ҳам баттарроқ "қаҳрамон"нинг асл башараси янада кулгили туюлади. Учта институтни "пачти" битирган Бердиқуловнинг мутахассислигини ўзидан бошқа ҳеч ким билмаса-да, бор истеъдодини солиб шаҳар ҳокимлигига "шиғирли" ариза ёзади:

"Менинг на кулбам бор, на айвоним бор.
На эшак аравам, на файтоним бор.
Фақат талантим бор, соф виждоним бор.
Санъатга бахшида битта жоним бор".

Муаллиф унинг чиндан ҳам кулбаси йўқлигини, бильакс, "банковский" уйи, қариндошларининг номида қанчадан-қанча дала ҳовлиси, кўпқаватли уйларда хонадонлари борлигини фош этади. Бердиқуловнинг навбатдаги найранги ҳаммасидан ошиб тушади. У навбатдаги аризасида кам эмас — 15 киши ижарасида "прописка"да туришини, шунга яраша уй берилишини талаб қилади.

"Бўлган ёки бўлмаган воқеа" сарлавҳали ҳажвияда тасвирланган воқеалар ҳақиқатан ҳам бўлганига ишонгинг келади.

Тўпламдан ўрин олган "Телпак", "Юбилей", "Кўкйўтал", "Қизил қарға", "Домланинг айтганини қил", "Одам нимадан пайдо бўлган?", "Бутилка ҳожи" сингари қатор ҳажвий ҳикояларда ҳам тез-тез учраб турадиган қандайдир таниш кимсаларнинг ғаройиб қиёфалари кўз олдингизда жонланаверади. Китобни мароқ билан мутолаа қилар экансиз, ҳаётда ўзини ўзи кулги қилиб юрадиган айрим кимсалар устидан мароқ билан кулмай иложингиз қанча!

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди.

Таниқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг қатор роман, қисса, ҳикоялари ва "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"ини ҳаяжон билан мутолаа қилмаган адабиёт ихлосманди топилмаса керак. Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти адибнинг "Сўққабош бевагина" деб номланган навбатдаги ҳажвий ҳикоялар тўпламини нашр этди.

Маънавият

Хоразм вилояти

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаларидан бири — етук шоир, моҳир таржимон, тарихнавис олим, давлат ва жамоат арбоби Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий замонасининг энг пешқадам инсонларидан эди. У келгуси авлодларга ўзидан улкан маънавий-маданий мерос қолдирган.

Адиб асарларидаги маънавий етуклик ва комиллик ғояларини ёшлар онгига чуқур сингдириш мақсадида воҳа бўйлаб ҳар йили янги йил байрами арафасида ўқув даргоҳлари ва маҳаллаларда унинг хотирасига бағишланган адабий-бадиий кечалар уюштириш анъана тусига айланган.

Шу муносабат билан адиб таваллуд топган Хива туманидаги Эски Қиёт қишлоғида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бундан олдин Огаҳий ва унинг тоғаси, устози — Мунис мангу макон топган Шайхмавлон бобо қабристонида улар пойига гулчамбарлар қўйилди. Шунингдек, бундай адабий-мусиқий тадбир Огаҳий уй-музейида ҳам уюштирилиб, унда етук шоирнинг ижодидан намуналар ўқилди. Кечада шоирлар, адабиётшунос ва тарихчи олимлар иштирок этди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳар Сирғали туманида жойлашган Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Тошкент шаҳар ҳокими қарорига асосан "Олтин водий" маҳалла фуқаролар йиғини деб ўзгартирилаётгани сабабли Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси бўлимининг ижрочи директори **Полвонниязов Адилбек ФАРҲОДОВИЧ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Mahalla
МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93, 236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳих: Ўктам Худойкулов
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1120 Топширилди — 23.30
2 3 4 5 6